

Масжидун Набавийга янги гиламлар тўшалди



13:56 / 17.12.2024 1883

Мадинада – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидларининг шимолий қисмига янги гиламлар тўшалди. Ушбу ташаббус Пайғамбаримиз масжиди маъмурлари томонидан амалга оширилди.

Ташриф буюрувчи зиёратчилар ўз ибодатларини янада қулай адо этишлари учун ушбу хайрли ишга қўл урилди. Эски гиламлар ўрнига сифатли янги гиламлар солинди, бу эса ўз навбатида зиёратчиларга қулайлик, ўзгача кайфият бағишлайди.

Гиламларни алмаштириш жараёнида зиёратчиларнинг ибодатларига халақит бермаган ҳолда пухта режа билан янги гиламлар солинди. Бу эса зиёратчиларнинг ибодатларини узлуксиз адо этишга имкон берди.